

УДК 894.35.1.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В АНГЛИЙСКОМ И ФРАНЦУЗСКОМ ЯЗЫКАХ

З.Б. Рахмонова<sup>1</sup>, Г.З. Джумаева<sup>2</sup>

### Аннотация

В статье приводятся сведения об использовании фразеологизмов на английском и французском языках.

*Ключевые слова:* английский язык, французский язык, образ, образ, фразеологическая единица.

Тилшунослик бўйича замонавий тадқиқотларда «образ», «образлилик» атамалари тез-тез учраб туради. Лисоний образлилик масаласи айни пайтда ҳам қадимий, ҳам янги ҳисобланади. «Образлилик» атамаси лисоний адабиётларда тез-тез учраб туради, бироқ турли тадқиқотчилар унга турлича талқин берадилар.

Фразеологик бирликнинг образи асоси сифатида қуйидагилар намоён бўлади: 1) нутқда мавжуд параллел эркин бирикма маъноси: have the ball at one's feet – ўзига хон, ўзига бек бўлмоқ (сўзма-сўз: ўз оёғи остида тўпга эга бўлмоқ). 2) нофразеологик характердаги сўзларнинг барқарор бирикмаси маъноси: go off at half – соқ – шошилиб, ўйламасдан ҳаракат қилмоқ ёки гапирмоқ (сўзма-сўз: тепкини ярмигача босиб отмоқ). 3) оборотнинг нореал, аммо аниқ маъноси: between the devil and the deep sea – қийин, чорасиз аҳволда (сўзма-сўз: иблис билан денгиз ўртасида). 4) алоҳида компонентларнинг аниқ маъноси: fair-weather friend – ишончсиз дўст (сўзма сўз. яхши об-ҳаво пайтидаги дўст). 5) фразеологик бирликнинг асосий, бошланғич маъноси (иккиламчи метафоризация юз беришида): Indian Summer – олтин куз, кеч куздаги қуруқ илиқ кунлар.

Образлилик одатда метафорик характерга эга. Асос сифатида мазкур тил эгаларига яхши маълум бўлган ҳодиса олинади. Кўпинча бирор ниманинг тимсоли ролига эга бўлган сўз асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, «лиса» – тулки сўзи фразеологияда айёрлик рамзи бўлиб қолган: As cunning as a fox – хитрый как лиса (анг.)- (тулкидек айёр), un vieux renard (фран.) Образлилик ўхшатиш оборотлари шакллари сақлаб қолган ифодаларда англанади, масалан: as an angel – как ангел (фариштадек), as old as Adam- старо как мир (дунё каби қадимий), as fat as an alderman – толстый, как олдермен (олдермен каби семиз), тучный, полный с брюшком, (қорин қўйган тўла семиз киши) as busy as a bee –хлопотливая как пчелка (асал ари каби тиниб-гинчимас), as clear as a bell – ясно, отчетливо (тушунарли, аниқ). Образлиликни ўрганишда, шунингдек тимсол-сўзларга эътибор қаратиш керак. Масалан, «забор» (тўсиқ) сўзи одам учун турар жойини бегона кўзлардан ўзига хос равишда ҳимоя воситаси сифатида хизмат қилади, зеро инсон қадимдан ўзи ва ўз худудини ёт назарлардан тўсишга ҳаракат қилган. Ўз турар жойини тегилмайдиган, даҳлсиз деб ҳисоблайдиган инглизларда мазкур тушунча билан боғлиқ кўплаб иборалар мавжуд (The Englishman's home is his castle), масалан: 1) the grass is always greener on the other side of the fence – трава всегда зеленее на другой стороне забора (тўсиқнинг нариги томонидаги ўт-ўлан доимо ям-яшилроқдир); 2) be on the fence – сохранять нейтралитет (бетарафликни сақламоқ), занимать нейтральную или выжидательную позицию (нейтрал ёки кутиш, пойлаш позициясини эгалламоқ); 3) make fences – создавать (строить) забор (тўсиқ қуриш, яратиш). Келтирилган мисоллардан кўриниб турганидек, «забор – fence» (тўсиқ, девор) сўзи инглиз халқининг ўз оилавий муаммоларини бошқа одамларга кўрсатмайдиган ва шу билан ўзларини ҳам тўғри, ҳам кўчма

<sup>1</sup>Рахмонова Зебо Бахтиёр қизи, преподаватель французского языка, Академический лицей Бухарского медицинского института, Узбекистан.

<sup>2</sup>Джумаева Гулнора Зокировна, преподаватель английского, Академический лицей Бухарского медицинского института, Узбекистан.

маънода тўсиқ билан ҳимоялайдиган асосий маҳдудлик, ёпиқлик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Ҳам инглиз, ҳам француз фразеологиясида номларни тим-соллаштириш тамойили мавжуд, масалан: Aunt Sally – «Салли хола» халқ ўйини номи бўлиб, у маълум масофадан туриб устунга ўрнатилган ёғочдан қилинган аёл калласидан сопол трубкани чиллак чўп билан уриб тушириш ёки унинг бурнига теккизишдан иборат. Маломатлар ёки ҳақоратлар учун нишон (қўпинча рад этиш мақсадида илгари суриладиган уйдирмалар ҳақида). Aunt Tabby – «Тэбби хола» аёллар тенг ҳуқуқлилигига қарши чиқувчи мутаносиб кайфиятдаги аёлнинг лақаби. Бу исм яна истеҳзоли ва салбий тусга ҳам эга.

Фразеологик бирлик образлилиги унинг ички шаклига асосланган ва бу унинг семантикасининг умумий бутунлигини асослайди. Бунда ҳар қандай асослаш ўзида когнитив жараённинг таянч нуқтаси бўла оладиган ўхшатишга эга. Шундай қилиб, айнан ўхшатиш янги билимларни яратиш ва етказиб беришнинг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади. Айнан шунинг учун фразеологик бирлик образлилиги асосида деярли ҳар доим нолисоний борлиқнинг реалияларини ўхшатиш ётади, улар эталон, намуна ёки, аксинча, идеал сифат, ҳаракат ёки ҳолатнинг антиэталони бўлиб қолади. Масалан: ақлли одам ўсимлик дунёси объектлари билан қиёсланадиган фразеологизмлар: *as cunning as a fox, as wise as an owl*. Француз тили билан таққослайдиган бўлсак, французлар ҳам худди инглизларга ўхшаб тулқига бир хил таъриф беришади *un vieux regard* (қари муғомбир).

*Фойдаланилган адабиётлар руйхати*

1. Холмурадова Л.Э. Тематико-идеографическая репрезентация образных и мотивированных фразеологизмов английского и французского языков: лингвокультурологический аспект // Монография, Ташкент 2014 г.

© З.Б. Рахмонова, Г.З. Джумаева, 2019.